



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 44 (679)
2019 йил
15 ноябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Жасурнинг жасуралиги Ватан байроғида акс этади

18 ноябрь –
Ўзбекистон
Республикаси
Давлат
байроғи қабул
қилинган кун

Нажот — жазопашда эмас



«Саховат»
Ўйидан қочса, бўладими?

ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!

Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши тузилди.

Нажот — жазолашда эмас

Ҳаёт ўз оқимида давом этарди. Фавқуллода ҳолат бўлишидан дарак йўқ эди. Кўп йиллик тажриба соҳиби Олимжон ака кўз касаллиги билан хасталанган беморни операция қилиб, қайта боғлаш вазифасини ўғли Одилжонга (улар бирга ишлашади) топширай деса, жойида йўқ. «Қани Одилжон?» деб сўраса, «Ўғлингизни олиб кетишди» деб жавоб қилишди. «Ким, қайёқ?» деган савол жавобсиз қолди.

Маълум бўлишича, ҳозир операция қилинган беморнинг уйдагилари операцияга тегишли ўлчамли сунъий гавҳар клиникада бўлмагани учун ўзлари олиб келишлари керак экан. Касалнинг аёли «Пулини кейин берармиз, ўз ҳисобингиздан гавҳар кўяверинглар» деган экан. Шу лаҳзада ўша аёл 500 000 сўм пулни Одилжонга бермоқчи бўлди. Одилжон шошиб турганини айтиб, «Столга қўйиб кетаверинглар» дейди. «Йўқ, аввал шу пулни санаб олинг» деб тикилинч қилишади. Пул санаб бўлингач, аёл хонадан чиқади, тегишли ходимлар дарҳол кириб, Одилжонни кўлга олишади. Пулларга кимёвий ишлов берилган экан.

— Ахир бу пуллар кўзга қўйилган гавҳарнинг пули. — деб тушунтиришга ҳеч ким қулоқ солмади.

Олимжон ака таниш аёлга «Хизматга тухматми?» деса, «Профессор, сиз аралашманг, йўқса сизга ҳам даъво қиламан», дейди. Тавба, бу қақддан келган бало бўлди?

Кўп ўтмай Одилжонни 3 млн. сўмлик гаров эвазига қўйиб юборишди. Тилхат билан ҳеч қайёқ кетманг, деб терговни давом эттиришди.


Олимжон ака милиция идорасига бориб, ўғлининг ҳалол эканлигини айтишга уринди. «Сиз отасиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўғлингизни ҳимоя қиласиз» дейишди. Ажабо, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига киришнинг ўзи азоб. Остонада телефонингизни олиб қўйишди. Бу ерга келган ҳар қандай одамга гўё жиноятчиға қарагандай муомала қилишади. Нима қилиш керак? Дардимизни эшиттадиган идора борми?

— Сиз Чилонзорда жойлашган Тошкент шаҳар прокуратурасига бориңг. Шаҳар прокурори Баҳриддин Валиев. Адолатли инсон, — деб маслаҳат берди Олимжон аканинг яқин таниши.

Бу гапдан жабрдиданинг ичи ёришмади. Прокуратура дегани бундан-да баттар жой бўлса керак. У ерга борганда

ҳам прокурорнинг ўзига кириш мушкул бўлса керак.

Оралан салкам бир йил вақт ўтди. Ўғлининг иши тобора чалкашиб, ижобий ҳал бўлиши қийинлаша борди. Дард устига чиққон деганларидек, терговчи Одилжоннинг ҳақлигини исботловчи ажрим қоғозини йўқотиб қўйибди. «Нега йўқотасиз?» деса, «Йўқ, нима қилай?»



дейди. Ким билсин, балки атайлаб шундай қилаётгандир. Бош қотди. Ниҳоят, ҳалиги маслаҳатга амал қилиб, шаҳар прокуратурасига боралиган бўлди.

Олимжон ака «Театр гардеробдан бошланади» деган гапни эшитганди. Бу ердаги идорада ичкаридаги вазият остонадан бошланар экан. Эшик олдидаги нарбатчи одоб билан «Ассалому алайкум, амаки, келинг, нима масалада келингиз?» деб очиқ чеҳрада кутиб олди. Масала айтилгач, «Ҳозир, бир дақиқа» дедию ички телефонда ким биландир боғланди. Ҳаял ўтмай Олимжон акани ичкарига таклиф қилишди. Прокуратура ходими Улуғбек Мўҳсимов уни ўтиришга таклиф қилиб, «Чойми, қаҳва?» деб сўради. «Фарқи йўқ» дегандан кейин пиёлада қайноқ чой узатди. Конфетдан бир дона узатиб «Ака, оғизини ширин қилинг, суҳбатимиз ҳам ширин бўлсин» деганда Олимжон ака бу самимиятдан эриб кетди. «Қойил, бу ерда

ташриф буюрувчини одамдек қабул қилишар экан» дея ич-ичидан мамнун бўлди. «Шундай одамга дардингни айтсанг арзийди» — кўнглидан шу гаплар ўтди.

Юракдан ёзилиб гаплашди. Ходим алоҳида эътибор билан тинглади. Гап орасида Олимжон ака: «Шаҳар прокурорига кирсам бўладими?» деб сўраганида «Бемалол. Фақат битта илтимос, раҳбаримиздан олдин шу иш билан шуғулланган киши билан гаплашасан» деган жавобни эшитди. Бўлим прокурори Мирзод Мирҳайдаров ҳам олдий инсон экан. Олимжон акани жон қулоғи билан тинглади. Бу ҳақда Фатхулло Абдураҳимов билан гаплашиб, «Сизни прокурор эртага соат 11 да қабул қилишлари мумкин, вақтингиз борми?» деб сўради. «Албатта, вақтим бор-да. Ахир менинг ишим тушиб турибди-ку».

Эртага прокурорга ҳамма ҳолатни тушунтираман. Адолатли одам дейишди-ку. Қабул вақтигача ҳужжатларни синчиклаб кўздан ўтказди. Соат ўн бирда прокурор қабулхонасида ҳозир бўлди. «Марҳамат, кириңг» дейишганда ҳаяжон билан ичкари йўналди.

Баҳриддин Баҳодирович ўрнидан туриб, ичкари кирган одамнинг истиқболига пешвоз чиқди.

— Келинг, яхши келдингизми? Марҳамат, ўтириңг.

Қаранг, бир оғиз самимий айтилган сўз Олимжон аканинг ҳаяжонини босиб олишга имкон берди.

— Сиз доим ҳалол, пок инсонларни кўллаб келишингизни эшитиб келдим, — гап бошлади Олимжон ака.

— Марҳамат, нима бўлди, бир бошидан гапириб бериңг.

Олимжон ака энди ўйлаган гапларини айта бошлаганда телефон жириңглади.

Суҳбат қисқа бўлди. — Олимжон ака, узр. Мен тезда айтилган жойга етиб боришим керак. Сиз билан куннинг иккинчи ярмида учрашамиз, — шундай дея катта ёрдамчи Хуршида Раҳмоновага тайинлади: — Мен тахминан соат 15 ларда келаман. Домланинг телефонларини ёзиб олинг. Бу кишини келганимдан кейин таклиф қиласиз.

Оббо бўёғи нима бўлади? Прокурор ҳам ўзини олиб қочди, шекилли. — Шундай ҳаял билан ташқарига отланди.

... Бир маҳал Олимжон аканинг телефони жириңглади. «Сизни шаҳар про-

курори соат 16:00 да кутади», деб хабар қилишди. Айтилган вақтда етиб борса, прокурор шу масала билан шуғулланган ходимлардан муροжаат моҳиятини аниқлаб, ҳужжатлар билан танишиб бўлибди.

— Аҳвол бизга қисман аён бўлди, терговчиға интизомий жазо берилди. Энди бизга фурсат берсангиз, айрим жиҳатларга аниқлик киритиб, сўнг масалага нуқта қўйасан.

— Раҳмат, лекин айтмоқчи бўлган гапларим бор эди, — деди Олимжон ака. — Марҳамат, эшитамиз.

Олимжон ака ўзи ўқитувчи оиласида тарбия кўрганлигини, ўғли мактабда, институтда қандай ўқиганлигини гапириб берди. Уччала фарзандимни контракт асосида ўқитдим, деди.

— Маъқул, қонунларимиз ҳеч қачон беайб одамни қораламайди. Буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, — сўнгра ёнидаги ходимларга қарага: — Жараённинг ҳар бир босқичи ҳақида домлани мунтазам хабардор қилиб бориңглар.

Кўп ўтмай домлага прокурор ёрдамчиси кўнғироқ қилди:

— «Дело» судга юборилди.

Ажабо, шу идорага илк қадам қўйганида хушмуомалалик билан кутиб олишганини тасодифга йўғанди. Кейинчалик идора ходими, бўлим бошлиғи, прокурорнинг ўзи рисоладагидек қабул қилиб, самимий суҳбатлашганда «Демак, бу ерда ислоҳотлар тўла ишга тушибди-да» деган хулосага келди. Қаранг, идора деворларига мамлакат Президентининг прокуратура жазоларни идора эмас, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозимлиги ҳақидаги қанотли сўзлари чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Энг муҳими, бу ердаги ходимларнинг ҳаммаси ана шу талабга риоя қилишяпти. Инсон тақдирини билан боғлиқ жойда шундай бўлиши керак, албатта.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.

P.S:

Одилжоннинг тақдирини нима бўлди, дерсиз? Суд муҳокамасида ҳаммаси жой-жойига қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди судьяси Мусо Юсупов қарорига кўра, унинг ҳаракатида жиноят аломати бўлмаганлиги учун тўла оқланди. Суддан кейин тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Адолат туғайли бир инсоннинг тақдирини санишдан сақлаб қолинди. Ҳозир Одилжон ҳам отаси, ҳам устози билан инсонлар кўзига нур ато қилишда давом этмоқда.

Суд очерки

Тортишувга айланган танишув

Сарвиноз Рамазонава (исм-шарфлар ўзгартирилган) бир нафар фарзанди билан оиласидан ажрашган. Абдулла Исоқов маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз.

Булар иккиси кафе ёнида И.Ҳакимова билан жанжаллашади. Буни кўриб турган кафе ходимлари уларни ажратишга ҳаракат қилади. Икки йигит тортишувга пайтада С.Рамазонава И.Ҳакимовага қўлидаги қайчи билан ташланади ва танасининг тур-

ли жойларига жароҳат еткази.

Гап шундаки, бу икки «дугона» аввалдан бир-бирини ижтимоий тармоқлар орқали таниган. Шу тармоқларда гаплашиб юришган кун-



ларнинг бирида тортишиб қолиб, бир-бирини ҳақорат қилишга ўтган. Кўришиб, масалани юзми-юз гаплашиб мақсадида учрашган ва ўша жойда жанжаллашиб кетишган. Бахтига уларни ИИБ ходимлари кўриб қолган. Улар билан гаплашиб, огоҳлантиришган. Шундай бўлса-да, буларнинг жанжали тугамайди. Оқибатда кафе олдида аянчли манзара содир бўлган.

Уларнинг шовқинидан кафе атрофида яшайдиганлар ҳам ўйғониб кетади ва бунга гувоҳ бўлишди. Ва айнан шу одамлар «102» рақамига кўнғироқ қилиб, уларни вазиятдан огоҳ этади. Судда гувоҳ бўлганлар ҳам кўрганла-

рини баён этди. Энг муҳими, бўлаётган воқеаларни телефон аппарати ёрдамида видео камерага туширган гувоҳнинг кўрсатмаси бўлди. Айбдорлар шундан кейингина ўз айбларига иқдор бўлиб, жазони енгиллатишни сўради.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимай, безорилик қилаётган бу ёшлар жазосини олди. Лекин ички ишлар ходимлари вақтида етиб келмаганида ёки одамлар ажратишмаганида қандай оқибатларга олиб келишини ўзингиз тасаввур этаверинг!

Аҳрор ҲОШИМХОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой
туман суди судьяси



Бундан буён Марказий банк ходимлари тадбиркорлар фаолиятини текширишга жалб этилмайди.

Жасур бугун ўзгача кайфиятда мактабга шайланди. У ҳар куни велосипеда бориб келар, пиёда юришни хушламас эди. Унинг бир одати бор — велосепедининг икки томонига байроқ илиб юрарди. Бундан ташқари унинг дарс хонасида ҳам байроғимизнинг турли кўринишдаги расмлар кўп эди. Буни эшитган, кўрган борки, устидан кулишар, ҳар хил лақаб билан чақирадиган бўлишган. Лекин Жасур уларга парво қилмай, ўз билганидан қолмасди. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиб, устозларининг назарига тушган эди. Ойнаи жаҳонда спортчиларимиз эришган ютуқлари ва улар сабабли ватанимиз байроғи кўкларга кўтарилишини кўриб, ҳавас қилар ва шунинг учун ҳам икки ёнида доим байроқ бўларди.

Жасур эртанги кунга тайёргарлик кўрди. Расм чизди. Чунки у кутган кун 18-ноябрь давлатимиз байроғи тасдиқланган кун эди-да...

Ҳомон эслайди: ўтган йили Жасур роса хафа бўлган эди. Негаки, синфга кирса, ҳамма тўполон қилипти. Ҳеч ким байрам таралдудини кўрмапти. Шунча говур-гувор бўлишига қарамай, устози дафтарига бир нималарни ёзиш билан овора. Жасур устозига разм солди. «Бугун байрамлиги хаёлидан кўтарилдимикан ёки мен адашдимми» дея календарга қаради. Йўқ, у алашмапти. Ордан анча вақт ўтса ҳамки, устоз ўз ишидан ортмади. Жасур жим қараб туролмади. Доскага чиқди-да, ҳеч кимнинг гап-сўзига эътибор бермай, расм чиза бошла-

ди. Ҳа, бу Ўзбекистонимизнинг гўзал байроғи эди. Ҳалигача ҳужжатдан бош кўтармаган устоз расмини кўриб, ломим деёлмади. Нима ҳам дер эди? Ахир, бу санани устоз ҳам унутган эди-да, ўша вақтда...

Бугун ҳам шундай бўлмасин, деган умидда мактабга йўл олди. Синфга кирса, ҳеч ким йўқ. Талбирлар залига шошганча югурди. Саҳнада ҳар хил расмлар... эътиборлиси, у ерда Жасурнинг расми ҳам бор эди. У аввалига хайрон бўлди. Ким менинг расминни чизди? Синфдошлари Жасурдан сўрамай велосипеддаги ҳолати ва унга ҳамроҳ 2 байроқни ҳам тасвирлабди. Расм жуда чиройли. Бу Жасурга ҳам ёқди... Талбир сўнггида энг яхши расм чизган синф

Жасурнинг жасурлиги Ватан байроғида оқс этди

ўқувчилари тақдирланди. Устозлари «танловда 1-ўринни 6 «б» синф ўқувчилари эгаллади», деганида шодлигини яширолмаган дўстлари Жасурни ўраб олиб ҳайқирдишарди.

Сабаби ўша — ўтган йили шу кунни Жасур қилган иш устозини қаттиқ таъсирлантирган ва шунинг учун ҳам унга билдирмасдан, бошқа ўқувчиларга мана шундай расм чизиш топширигини берган эди. Жасурнинг беғубор, ҳатто, ўзи ҳали англаб етмаган ватанпарварлиги устознинг қалбидан чуқур ўрин олган эди. Бугун шу расм ҳаммининг юрагидан жой олди. Жасурга энди бошқалар ҳавас билан қарайдиган бўлишди.

Дарҳақиқат, байроқ эзгулик ва тинчлик тисмолидир. Зеро, овоз ва обод ватанимиз — Ўзбекистонимизнинг байроғи ҳам бизни улуг мақсадлар то-

мон бошлайди. Буни биргина спортчи жаҳон аренасида туриб, байроғимизни елкасига ёпиниб, кўзида ёш билан югураётган пайтда ҳис қилмадикми? Шоҳсупага кўтарилганда энг юқорида юртимиз байроғини кўриб, ҳатто, биз томошабинлар ҳам кўзимизга икки томчи ёш олганда ҳис этмадикми?


Аммо афсуски, шундай ёшларимиз ҳам борки, ватанимиз рамзларини умуман билмайди. Ҳатто, мадҳиямизни ёд олмаган. Ахир, давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги ва тинчлиги тисмоли бўлиш баробарида гурури, ифтихори ҳамдир.

Соҳибқирон бобомиз замонда байроқни паст тутиш ёки сарбознинг қўлидан тушиб кетиши ҳосиятсиз саналган. Бунга Соҳибқиронни алоҳида эътибор берган. Чунки байроқнинг пасаитирилиши мағлубият ва орта кескинлиш ишораси бўлган. Шунингдек, «Темур тузуқлари»да таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозongan амирлар ва сипоҳийларга ўша давр давлат тиссолларидан ҳисобланган туғ ва ногора инъом қилинган. Бу Соҳибқирон давлатида салтанат рамзлари нечоғлик баланд мақом тутгани ва улар қандай катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этганидан ҳам далолат.

Ишонамизки, Ўзбекистон фарзандлари қаерда бўлмасин, қандай натижаларга эришмасин, Ватан байроғини ардоқлайди.

«Адабий ижод асослари»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, филология фанлари доктори, профессор Ҳотам Умурувнинг шу номдаги дарслиги (Самарқанд, СамДУ нашри, 2019) нашрдан чиқди. Унда қобилият, истеъдод, талант тушунчаларининг моҳияти, илҳом, услуб, адабий маҳорат нима эканлиги, ижодий ният ва илк режа қандай юзага келиши ҳамда шаклланиши каби қатор қизиқарли масалалар хусусида фикр юритилган.



адабиёт ва санъатнинг сирли дунёси билан ошно этиш гоёси бош вазифа этиб белгиланган.

Ҳ.Умурувнинг «Адабий ижод асослари» ана шу талаб ва замонавий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тайёрланган бўлиб, ижод мактабларининг иқтидорли ўқувчиларини адабий ижод сирларидан хабардор қилишга хизмат қилади. Муаллифнинг ишончига кўра, «Адабий ижод асослари» фани ижод мактабларининг ўқув режасига алоҳида предмет сифатида киритилиши лозим.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда Исоққон Тўра Ибраг, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Иброҳим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номлари билан аталувчи ижод мактаблари очилган. Ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган ушбу мактаб-интернатларда эса иқтидорли ёш ўғил-қизларни

Мавлон БОБОХОНОВ,
СамДУ доценти

«Мафтункор ранглар дунёси»

«Чет эллик меҳмонларни юртимиз билан таништиримоқчиман...»

Яқинда пойтахтимизда 7 ёшдан 17 ёшгача ногиронлиги бўлган иқтидорли ёшлар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» республика расмлар танлови ўтказилди. Ушбу ижодий беллашув уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, ҳар тамоналма кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда ўзига хос омил бўлди. Шунингдек, бу танлов Президентимизнинг Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича биринчи ташаббусини амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Худудларда ўтказилган танловларда голиб бўлган болалар рассомлик маҳоратларини ушбу танловда яна бир бор синовдан ўтказди. Шу билан бир қаторда улар яратган ижод намуналарининг кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Танловда иштирок этган Каромат Аҳмаджонова Сирдарё



вилояти Ховос туманидан келган. У тумандаги 5-мактабнинг 6-синфидан ўқийди. Ёшлигидан расм чизишга қизиқар, шундан бўлса керак, мўйқаламини қўймай ижодининг янги қирраларини кашф қилавераркан...

— Республика танловига келганимдан ота-онамнинг боши осмонда, — дейди К.Аҳмаджонова. — Қишлоқдаги тенгдошларимга мени роса мақтаб, кўзлари йиғидан тўхтамади. Бу танлов истеъдодини ҳаммага кўрсатишим учун имконият берди.

Кароматнинг деворга илинган ижод намуналари бошқа тенгдошлариникидан ажралиб турибди. Унинг рангларидан ўзгача жозиба, мафтункорлик муржассам. Томошага келган рассомлик сирларидан хабардор бўлганлар ҳам буни эътироф этишди.

Унинг оёқларида чизган, айнаи дамда чизаётган расмларини кўриб, Яратган берган истеъдодга қойил қолмасдан илоҳимиз йўқ.

— Ким туртки бўлди ижод оламига киришингизга?

— Устоз кўрмаганман. Опам сабаб бўлган, десам ҳам бўлади. У менга илҳом бағишлаб, йўл-йўриқ кўрсатади.

— Келажакдаги орзуларингиз қандай?

— Балки рассом бўларман. Лекин орзум таржимон бўлиш чет тилларини ўрганиб, яхши кадр бўлиб етишиш. Ва яна Ўзбекистонга келган меҳмонларимизни юртимизнинг бетакрор гўшалари билан таништириш. Тўғриси айтсам, бунга эришамани, йўқми, билмайман. Лекин, барибир, доим шуни орзу қиламан!

Кароматнинг орзулар олами улкан. Муҳими, у интиломда, курашмоқда. Нима бўлганда ҳам бу йўлда изланиб, бўш келмай, олга интилишга ишончимиз комил...

Гулҳаё ҲУСАНОВА,
«Жамият» маҳорат мактаби танловчиши



МИБ, ички ишлар ва чегара қўшинларининг идоралараро ҳамкорлик тизими қайта кўриб чиқилди.

Мактаблар куз-қиш мавсумига тайёр

Маълумки, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида секторлар тизимлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга муносиб раҳбарлар етакчилик қилишмоқда. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган бу тизимнинг самараси барча жабҳаларда намоён бўлаётганини кўриб, сезиб турибмиз. Масалан, биргина халқ таълими тизимини олайлик. Секторлар сазой-ҳаракати билан жойларда янги мактаблар қурилаётгани, мавжудларининг реконструкция қилинаётгани, таъмирланаётгани соҳа ходимлари ҳам, ўқувчиларга ҳам қулайлик яратмоқда.

ҳолатга келтирилди.

7 та мактабимиз шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи раҳбарлигидаги 4-сектор ҳудудида жойлашган. Бу билим даргоҳлари таъмири ва бошқа бажарилиши лозим бўлган ишлар учун 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Жумладан, 14-сонли умумтаълим мактаби учун инвестиция давлат дастури асосида 2 миллиард сўмга яқин маблағдан фойдаланилди. Ана шу маблағ ҳисобига «Мадад кўрғон



лимоқда. Сектор аъзолари тегишли таълим муассасаларидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни тезда бартараф этиш борасида қатъий талқин кўрсатишарди. 12-умумтаълим мактабида «Обод маҳалла» Давлат дастури асосида 1,5

қозонлари, 45 дона голланд пещлари мавжуд. Уларнинг барчаси мавсум олдида қайта кўздан кечирилиб, иситиш

тизимда муаммолари бор таълим муассасаларидаги камчиликлар бартараф этилди. 2019-2020 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун эса 37 дона

иситиш қозонлари янгидан ўрнатилди. Бундан ташқари, шаҳардаги 17-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг спорт зали биносининг иссиқлик тизимини таъмирлашга ҳомиёлар ҳисобидан 14 000 000 сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 2-сонли умумтаълим мактаби спорт зали биносининг эшик ромларини янгилашда ҳам муассаса собиқ битирувчисининг 27 000 000 сўм миқдоридagi беғараз маблағи асқотди.

Хуллас, шаҳримиздаги барча таълим муассасалари бугун куз-қиш мавсумига тайёр ҳолда. Бунда шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган секторлар тизимлари томонидан кўрсатилган кўмакдан мамнунмиз.

Шухрат ТОҒАЕВ,
Каттакўрғон шаҳар халқ таълими бўлими мудир

Каттакўрғон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида 18 та умумтаълим мактаблари ҳамда 1 та «Баркамол авлод» болалар маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларни секторлар кесимида куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шаҳар ҳокими Музаффар Ҳошимов раҳбарлигидаги 1-сектор ҳудудида 6 та умумтаълим мактаби мавжуд. Ана шу таълим муассасаларини таъмирлаш ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида 2246 миллиард сўм маблағ ажратилди. Жумладан, 3-сонли умумтаълим мактабини таъмирлашга «Обод маҳалла» давлат дастури асосида маблағ жалб этилиб, «Бест строй сити» МЧЖ томонидан муассасанинг 900 ўринли ўқув биноси ҳамда спорт зали тўлиқ капитал таъмирланди. Сектор ҳудудидаги қолган барча умумтаълим мактаблари куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилди.

Шаҳар прокурори раҳбарлигида 2-сектордаги 5-сонли умумтаълим мактаби учун ушбу сектор бошлиғи ташаббуси билан маҳаллий бюджет ҳисобидан 300 миллион сўм маблағ ажратилди. Ана шу маблағ ҳисобига «Умид Мелбел Инвест» МЧЖ томонидан муассасанинг 500 ўринли ўқув биноси жорий таъмирланди. Ҳудуддаги мавжуд 3 та мактаб янги ўқув йилига пухта ҳозирланган эди. Сектор ишчи гуруҳининг ўрганишлари натижасида мавжуд 3 та — 2,5, 16-сонли умумтаълим мактабларидаги муаммолар бартараф этилди ва улар куз-қиш мавсумига тайёр

« Ҳудуддаги 6,7,8,9,13,14,17-сонли умумтаълим мактаблари янги 2019-2020 ўқув йилини қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш борасида тўлиқ тайёргарлик билан бошлаган эди. Бугунги кунда эса улар куз-қиш мавсумига тайёр ҳолга келтирилди. »

қурилиш» МЧЖ томонидан муассасанинг 910 ўринли ўқув биноси капитал таъмирланди. Ҳудуддаги 6,7,8,9,13,14,17-сонли умумтаълим мактаблари янги 2019-2020 ўқув йилини қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш борасида тўлиқ тайёргарлик билан бошлаган эди. Бугунги кунда эса улар куз-қиш мавсумига тайёр

миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобига қўшимча 300 ўринли ўқув биноси янгидан қурилиши режалаштирилди.

Айтишимиз мумкин, шаҳардаги ҳар бир билим даргоҳида таълим-тарбия жараҳида эришилаётган ютуқларда секторларимиз, хусусан, улар раҳбарларининг ҳиссалари катта. Шаҳарда мавжуд таълим муассасаларида 119 дона замонавий иситиш

«Саховат» уйидан қочса, бўладими?

Жамоатчилик назорати

Бундан 15 йил олдин хорижий меҳмонларни кутиб олиб, уларга тарихий обидаларимиз, тўкин дастурхонларимиздан бошқа арзигулик кўрсатадиган на шаҳарларимиз, на дам олиш масканларимиз бор эди. Сўнгги икки йил ичида юртимизда туризмни ривожлантириш борасида шаҳару қишлоқларимизнинг архитектураси ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Халқимиз эса буларни ҳис қилиб, дунёқараши, мафкурасини ўзгартирмоқда. Марказлардаги маданий истироҳат боғлари ва деҳқон бозорлари тубдан реконструкция қилинмоқда.

орасида бир дилни хира қиладиган воқеага дуч келдикки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Бозор айланар эканмиз, ногиронлар аравачасида ёнида ҳамроҳсиз юрганларга кўзимиз тушди. Аввалга «бир имконияти» чекланган бозорга тушипти-да, бугун ҳамроҳсиз чиққандир. Уям бозор-ўчар қилишга ҳақлиқ», деб ўйлаган эдик. Уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, амин бўлдикки, тиланчилик қилишмоқда. «Шу ҳам муаммоми», дерсиз!? «Энг ривожланган, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Европа давлатларида ҳам тиланчиликни тирикчилик манбаига айлантириб, яшаётганлар қанча ёки уларнинг меҳнатидан фойдаланиб, иш юритаётганлар йўқми», дерсиз? Мана шундай фикрлардан холи турган ҳолда атрофдагилардан суриштирдик. Бозор ишчи-ходимларининг айтишига қараганда бу одамлар тумандаги «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйида яшовчилар экан.

Улар бир йилдан бери мунтазам худдики, бозорга ишга келгандек, соат 10 лар атрофида кириб келишди. — дейди бозор қоровули Абдували Бойназаров. — Соат 13:00 гача тиланчилик қилишди. Уларнинг маъмуриятига бир неча бора оғзаки ва ёзма мурожаат этилишига қарамай, ҳеч бир ўзгариш бўлмапти.

Буларни кўриб, эшитиб ўйга толасан киши. Ахир, улар давлат қарамогиди бўлса, уларга тиланчилик қилиб, пул топиш нимага керак бўлиб қолди? «Саховат» уйидан қандай қилиб, қайси мажбуриятдан чиқадилар? Ёки раҳбариятдан билдирмасдан, қочиб чиққанларми? Бутун Оҳангарон халқи билди-ю, нега юқоридегилар билмайди? Нега бу одамлар назоратда эмас?

Таҳририятимиз бу каби саволларга тегишли вазирликлар, туман ҳокимлиги, «Саховат» интернат уйи масъулларидан жавоб кутди.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» мухбири

Оҳангарон шаҳрида олиб борилаётган ислохотлар натижасини кўриш учун сафарга отландик. Юртимизга чет элдан келган меҳмонлар, албатта, бозорларимизга кирмасдан кетмайди. Биз ҳам айнан деҳқон бозорига кирдик. Эски бозордан асар ҳам қолмаган. Деҳқон ва тadbirkорлар учун барча қулайликлар муҳайё этилмоқда. Замонавий дўконлар, бободехқон сотувчи ва харидорларнинг мамнунлиги шунини изҳор этмоқда. Лекин шунча хурсандчилик



доқ кўриниб турибди. Маҳаллий аҳоли юртимизнинг барча гўшаларида олиб борилаётган улкан ислохотлар бу ерга ҳам етиб келаётганидан хурсандлигини, бунга ҳисса қўшаётган фидойилардан миннатдорлигини изҳор этмоқда.



Автомобиль тўхташ жойларида автотранспорт воситасини соатига 5 километрдан ортиқ тезликда бошқариш, тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш тақиқланади.

Шу кунларда пахта йигим-терими мавсуми борган сари ўз ниҳоясига етмоқда. Катта ёшлилар яхши эшлашади. Бир пайтлар бу мавсум, ҳатто, декабрь ойда ҳам давом этган. «Юқори-дан топшириқ бор», деган тушунча билан халқимиз минг бир азобда пахта далаларида жавлон уришган. Истиқлолга эришганимиздан кейин «пахта бизга керакми, уни эккандан кўра, бошқа маҳсулотлар экишни кўпайтириб, шундоғам четдан кириб келаётган кийим-кечакни ўша пулга сотиб ол-сак бўлмайдами?» деган фикрлар пайдо бўлди.



ҳақ ҳам одамларни қониқтирди-да. Куйичирчиқ тумани 29 минг 175 тонна пахта териб, режани 108,6 фоизга бажарди. Чиноз тумани 20 минг 130 тонна 108,23 фоиз, Юқоричирчиқ тумани 11 минг 728 тонна 100,3 фоиз — давлатга пахта сотиш шартномавий режасини ортиги билан бажаришди.

Бугун бизга пахта керакми?

Хўш, бугунчи? Бугун бизга пахта керакми? Керак, албатта, чунки бугун юртимизда ўз пахтаимизни ўзимиз қайта ишлашимиз учун тўла имконият яратилган. Ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар, заводлар илгорлаб кетяптики, ўрни келганда пахта хом ашёси билан ўзимизнинг талбиркорларимизни-да таъминлаб беролмай қоляпмиз.

Айтмоқчимизки, бугун Тошкент вилояти ҳам пахта йигим-теримида илгорлар сафида. Шу кунларда белгиланган режани ортиги билан бажариб, билдирилган ишонччи оқлади. 73 минг гектар майдондан 219 минг 600 тоннадан ортиқ «оқ олтин»ни йигиб олишди. Теримда 47 та пахта териш машинаси, 161 минг 500 нафарга яқин аҳоли қатнашди. Мажбурлаб, пахтага олиб чиқиш бўлмади. Аҳоли ўз хоҳиш истаги билан пахта теришди. Чунки теримга тўланадиган

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, фермерларимизнинг ерга меҳр бериши, эътиборда тутини натижасида ҳосилдорлик самараси ҳам юқори бўлмоқда. Хусусан, Юқоричирчиқ тумани меҳнаткашлари пахта режага асосан гектаридан 28 ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтаришди. Шунинг ҳисобига бир ойда режани бажарди. Тумандаги «Абдумажид бобо», «Олтин водий», «Агро-култур суппорт экспорт» МЧЖ фермерлари давлат режасини биринчилар қаторида биринчи теримдаёқ бажарди. Юқоричирчиқ туманида қабул қилинаётган пахтанинг 82 фоизи биринчи навга тасдиқланди.

— 112 гектар майдонда меҳнат қиламиз, — дейди Пискент туманидаги «Абдубакири-Абдусиддик» фермер ху-

жалиги раҳбари Маҳкам Душабоев. — Шундан 41 гектарига «Султон» навли пахта эдик. Бу нави уч йилдан бери етиштираемиз. Гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғдик. Режамиз эса 28 тонна эди. Бу ҳам бўлса, еримизнинг унмудорлиги ва Яратганининг инояти билан об-ҳаво яхши бўлиб тургани ҳисобидан, албатта. 5 октябрда теришни бошлаб, 11 иш кунини 130 тонна ҳосилни йиғиб олдик. Аҳолига бир килограмм пахта учун минг сўмдан пул тўладик. Бу улар учун қўшимча даромад бўлди. Шунинг учун ҳам пахта териш машинасига эҳтиёж бўлмади. Муҳими, теримчилар кўплиги ҳисобига ҳамасини кўлда тердик ва пахтаимиз юз фоиз биринчи сорт билан қабул қилинди.

Фермернинг айтишича, бу натижага эришилишида кўпгина омиллар ҳисоб-

га олинган. Масалан, аксарият навли пахталарнинг оғирлиги битта чаноқда 3-4 грамдан ошмайди. «Султон» нави-ники эса 6-7 грамм чиқади. Унинг яна бир афзаллиги — унча-мунчага касалга чалинмайди. Шунинг ҳисобига бу йил гектарига 120 минг туп кўчат ҳосилга кирди.

Йигим-терим ишларида секторларнинг иштироки ҳам катта самара берди. Фермер ва деҳқонларнинг сўзларига қараганда, бу йилги мавсумда сектор вақиллари ва раҳбарлари одамлар қаторида далада бўлишди. Теримчиларга шарт-шароит яратиб бериш борми, техника таъминоти, барчасида фермерлар билан баробар хизмат қилишди.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» мухбири

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

1. 2019 йил 25 ноябрь соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси охири бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сурхондарё вилоят «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга тегишли бўлган куйидаги 3 дона кўчмас мулк қўйилмоқда.

1. Жарқўргон туман «Халқобод» СИУ ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 7 034,48 кв.м бўлган Халқобод Минерал ўғит тарқатиш шохобчаси биноси.

Бошланғич баҳоси: 50 200 000 сўм.

2. Олтинсой туман «Обод турмуш» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 967,40 кв.м бўлган Омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси: 19 150 000 сўм.

3. Олтинсой туман «Бўстон» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 234,36 кв.м бўлган Ошхона биноси.

Бошланғич баҳоси: 18 400 000 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2019 йил 22 ноябрь соат 18:00 гача ҳар кун (дам олиш

ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 25 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 10, 25 декабрь ва 2020 йил 8, 23 январь, 10, 25 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан Сурхондарё вилоят «Агрокимёҳимоя» ҲАЖ масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб, 5 (беш) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилгани-

дан кейин объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдорида «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО; 01063. ИНН; 304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Мурожаат учун манзил:
«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси, ёқаси.
Телефон: (76) 223-77-83,
Хизматлар лицензияланган.
Лицензия RR -0291.

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 16 декабрь соат 11:00 да Термиз шаҳри Сўфи Оллоҳёр кўчаси ёқасида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси ошириб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. «SURXON CHILANGAR» МЧЖга тегишли бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, айни пайтда таъмирталаб ҳолдаги 75/864 GAA давлат рақами «КАТО» русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 27 285 963 сўм.

Автотранспорт воситаси билан «SURXON CHILANGAR» МЧЖ ҳодими бошчилигида автомобиль билан танишиш мумкин.

Юқоридаги мулк 2019 йил 16 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 15, 30 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан эса таъсис ҳужжатлари, агар вако-

латли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъуляти чекланган жамиятнинг Х/р:20208000100512709001. ИНН: 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО; 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.
Телефон: 0 (376) 223-77-83.

Гувоҳнома №903



Фақат ҳақиқатни ёзиш ва айтиш билан

Ўқувчини қайтартириш мумкин

Журналистика, журналист ва бугунги кун матбуоти ҳақида медиа ҳуқуқи эксперти, журналист, шоир ва таржимон Карим Баҳриев билан суҳбат.

— Демократик давлатнинг асосий унсурларидан бири, эркин журналистикадир. Айтинг-чи, бугун журналистикада демократия ва сўз эркинлиги қай даражада мавжуд?

— Демократик давлат инсон эрки ва ҳуқуқлари эътироф ва эъзоз этилиши демекдир. Ҳуқуқлар ва эрк ҳақида айтишни иложи бўлмаса, сўз эркинлиги бўлмаса, қолган ҳуқуқларни амалга оширишнинг имкони ҳам бўлмайди.

Сўз эркинлиги даражасига келсак, ҳар бир нарса қиссада кўринади. Бугунги авлод ёшлари ҳатто эслай олмайди, 2000 йиллар бошида ҳам мамлакатда цензура мавжуд эди ва ҳар бир газета ва журнал, ҳар бир телекўрсатув ва радио эшиттириши аввал нозир кўригидан ўтказилиб, кейин чоп этишга ёки эфирга рухсат этиларди... Худогашуқри, бугун у замон эмас.

Даражага келсак, 1993-2016 йилгача бўлган даврга қараганда бугун сўз эркинлиги борасида анча олдинга қadam ташланди. Аммо бу эркинлик ҳали 1985-1992 йилги «қайта қуриш» ва «озодликка эришиш» даври матбуотига етмади. Дунё матбуоти даражасига кўтарилиш эса бир орзудир.

Бугунги сўз эркинлиги борасидаги олдинга қўйилган қадамларнинг бир чети Шавкат Мирзиёев бошлаган ислохотлар туфайли бўлса, иккинчи чети янги ахборот технологиялари, глобаллашув инъом этган коммуникациялар боисдир. Интернет ва ижтимоий тармоқлар яратган имкон туфайли бугун газета ва журналларни, телеэшиттиришларни ибтидоий ҳолда ушлаб туришдан маъни қолмади. Ҳозирда провайдерлар айрим сайтларни блоклайиш даври ҳам ўтади, чунки эртага сунъий йўлдошларга ўрнатилган Wi-Fi қурилмалари орқали текин интернет бутун Ер юзига тарқала бошлайди ва дунё яхлит чегарасиз интернетлашади. Диктатура режимида ҳаволан сигналларни тутиб қола ололмайдиган унда. Бу мамлакатга эсаётган ҳавони, таралаётган қуёш нурини ёки ойнинг шуъласини тўхтатишга уриниш билан баробардир.

— Ҳозирги кун журналистлари ҳақиқатни қай даражада олиб чиқапти?

— Бу саволнинг ҳар бир қис-

мини алоҳида қараш керак. Агар гап битта журналист ёки бир нашр ҳақида борса, фикр айтишимиз мумкин. «Ҳозирги кун журналистлари» ибораси ўз ичига давлат нашрларининг ҳали ҳам ҳадиксираб турган ходимларини, нодавлат нашрларининг шов-шувли сариқ матбуоти ходимларини, чинакамга ҳақ сўзни ёзаётган ва бу учун жафо чекаётганларни, бошқа ОАВлардан бир қадар олдинга кетган интернет сайтлари журналистларини, ҳақиқатни ёза бошлаган, лекин анча тўпори ва жайдари блогерларни ҳам ўз ичига олади. Саволдаги «ҳақиқат» истилоҳига келсак, ҳар кимнинг ўз ҳақиқатлари бор. Айрим мавзуларда ҳақиқат айтилмоқда, айрим мавзулар эса четлаб ўтилмоқда.

— Нима учун давлат ОАВлари қалтис мавзуларни четлаб ўтмоқда?

— Давлат матбуоти демократик тузум учун кулиши ва ёт тузилмадир. Тараққий қилган давлатларда, дейлик, АКШ Сенатининг ёки Олмония прокуратурасининг ёхуд Англия ҳукуматининг газета ёки журнали йўқ. Олмония Бош прокуроридан сўраганман: «Бизнинг милиция ва прокуратурада қарор газета ва журналлар бор, ҳатто медиамарказлар барпо этилмоқда. Сизда нега йўқ?» У шундай жавоб берганди: «Агар ўзимизни мақташлари учун газета чиқарсак, бу газетамас, реклама баннери бўларди! Агар уни ким ҳам сотиб олади?! Агар танқид қилиши учун газета очсак, нега биз ўзимизни танқид қилишлари учун пул тўлашимиз керак?! Мамлакатдаги ҳамма газета-журнал пул тўламасак ҳам, фақат танқид қилди». Ростдан ҳам, матбуотнинг вазифаси камчиликларни топши, танқид қилиш, мунозара очиб ва ечимларини излашдир. Ҳукуматга ҳам, жамиятга ҳам, халққа ҳам журналистиканинг ёрдами ва вазифаси танқиддир.

— Сизнингча, нима қилсак, Россия ва жаҳон оммавий ахборот восита-

ларини кўраётган ёки ўқиётган халқимиз ўз ОАВларини ҳам кўриш ва ўқишни бошлайди?

— Фақат ҳақиқатни ёзиш ва айтиш билан ўқувчи ва тингловчини қайтартириш мумкин. Бунинг учун рост сўзлашга жасорат, ўқувчи учун қизиқarli мавзуларни етказиш учун маҳорат ҳамда зolimга нафрат ва мазлумга мурувват берадиган умуминсоний бир маснаддан ёзишга, одамзодга шафқату заифларга меҳр позициясида бўлишга етарли маърифат лозим.

— Журналистика — тўртинчи ҳокимият, деган тушунчанинг айни дамдаги ҳолати ҳақида тўхталсангиз.

— Аввало, учта ҳокимиятнинг моҳиятини қарасак ва кейин «тўртинчи ҳокимият»нинг ҳукмронлик механизмини тасаввур қилсак. Қонунчилик ҳокимияти — парламент халқ ҳоли сайловларда вакил қилган депутатлари орқали халқ иродасини ифода этадиган қонуларни чиқаради ва шуниси билан қимматга эгадир. Ижро ҳокимияти — ҳукумат шу қонулар воситасида мамлакатни бошқаради ва жамиятнинг қонуларга риоя этишини назорат қилади. Суд ҳокимияти — фуқаролар ва ҳукумат қонунга риоя қилмаган-қилгани борасидаги низоларни кўриб чиқари ҳамда айбдорларга қонуний чоралар белгилайди. Оммавий ахборот воситалари-чи? Унинг ўрни қайда ва ҳукмронлиги нимада? Оммавий ахборот воситаларининг ҳукмронлиги — уларнинг жамоатчилик фикрини қанчалар ифодалашига ва унга ўткази оладиган таъсиринга, жамоатчилик назоратини амалга ошира оланга боғлиқдир. Зеро, депутатлар ана шу фикрга кўра сайланади, ижро ҳокимияти жамоатчилик фикри орқали назорат қилинади, суд ҳокимияти ҳолислиги, эркинлиги судловнинг ошқоралиги орқали намоён бўлади. Матбуот — ҳокимиятларга кўз-қулоқдир, халқнинг назаридир ва давлат ҳамда халқ орасида бир кўприкдир.

ОАВ ўз вазифаларини «уч баҳона»га бажаришти. Бу кечагидан кўра юқори кўрсаткич, аммо ҳали олдинда қиладиган ишлар жуда кўпдир.

— Ҳозирги кунда журналист ва блогерлар фаолиятида эркин ижод майдони, тенглик борми? Сизнингча, уларнинг иш фаолияти қандай бўлиши керак?

— Журналист ва блогер — ҳозир блогерларнинг макомини журналистларга тенглаштириш борасида ҳаракатлар бормоқда. Ҳозир журналистлар деганда рўйхатга олинган, гувоҳнома асосида фаолият олиб борадиган оммавий ахборот воситасида хизмат қиладиган, ахборот излайдиган, оладиган, таҳрир қиладиган ва тарқатадиган ходим тушунилади. Блогер худди шу ишни қилади ва ижтимоий тармоқларда — ўз саҳифасида чоп этади. Энг машҳур блогерларимиз асли журналист эканликларига эътибор беринг. Шунинг учун журналист ва блогерни ажратиш этни тирноқдан ажратиш каби бир нарсадир. Блогосферанинг тили бироз шарттаки, жайдалари, жargonлари борлиги билан сал тилга тушади.

Дейлик, бир инсон милицияда ишласа, ишда у — милиционер, уйда — ота, дўстлар давра-сида биродар, улфат, дўстдир. Лекин ҳар уч ҳолатда ҳам у инсондир, олаимийлик, одоб эгаси бўлиши керак. Журналист ва блогерларга ҳам тилагим шудир — олаимийликни эътиқод қилсинлар, инсон кўнглини эъзозласинлар.

— Блогерларни ўқитиш маслаҳати берилди. Бу қанчалик тўғри?

— Бу — жуда тўғри. Умуман олганда, Қўрғонни Каримда бор гап: «Ўқи, ўқи ва яна ўқи», — дейилган. Ўқининг нимаси ёмон, мия темирдан ясалмаган, у ўсини керак, энг кўп ўқиган инсонлар ҳали кам нарса билишларидан нолийдилар, камгина нарсани биладиганлар билимдонман, мени ўқитманг, деб дод-вой қиладилар. Бло-

герларни ўқитиш керак деганда уларни эскирган журналистик усулларга эмас, замонавий юксак журналистикага, илм-маърифатга ўргатиш назарда тутилгандир.

— Сийёсат ва виждон бир нуқтада тўқнашганда журналист қай йўлни танлаши керак?

— Бу икки тушунчани қарама-қарши қўймаслик керак. Виждонни сийёсатга мослаш эмас, сийёсатни виждонли қилиш керак. Буюкларимиз айтгани каби, ё адолатни кучли қилиш, ё кучни адолатли қилиш керак. Адолатни кучли қилолмаган одамлар, кучни адолатли деб қабул қилишга ўрганадилар. Адолатсиз куч — бу зўравонликдир. Кучсиз адолат эса — қурбонликдир.

— Ўзбекистонда демократия бундан-да равнақ топиши учун журналистлар ва блогерлар бир тўн ичига киришлари керакми ёки алоҳида фаолият юритишлари керакми?

— Гап тўнда эмас, албатта. Румий: «Шундай инсонлар кўрдим, усти йиртиқ-ямоқ, тўни йўқ. Шундай тўнлар кўрдим — ҳашаматли, аммо ичида одами йўқ», — деганлар. Авваллари «бир ёқадан бош чиқарайлик», деган жумлалар ҳам бўларди. Ижтимоий фикрда фикр эркинлиги учун майдон керак. Инсон хато қилиб қўйишдан, жазоланишдан қўрқмай, фикрлай олиши шарт. Гап ижтимоий бурчларни ва инсонийликни унутмасдан, ҳурфикрликда ҳақиқатни айтишдандир.

— Бугунги газеталар танқид қила оляптими?


— Энг жасоратли газеталар сифатида «Жамият», «Ойла даврасида», «Даракчи», «Маърифат саодати» газеталарини кўрсатган бўлардим. Афсуски, аксарият маҳаллий нашрлар ҳали ҳокимларнинг оғзига термулиб, амр кутиб ўтирибди. «Жомбой тонги» газетасини ўқийман, яхши нашр.

— Газеталаримиздаги қолипчи гаплар, стереотип жумлалар ва иборалар, баланларвоз ишоралар унинг ўқилишига салбий таъсир кўрсатмай-дими? Газетанинг тили қандай бўлгани мақбул?

— Газетанинг тили — унга мақола ёзаётганларнинг тилидир. Журналистларимиз китоб ўқишлари керак. Адабиётни янгилиши керак, чунки адабий тил бутун жозибаси билан адабиётда намоён бўлади. Сўз бойлигини кўпайтириш керак. Афсуски, барча журналистика ўқув масасаларида тил ва адабиёт ўқитилиши йўқ ҳисобилади. Ўқувчига ёқиб учун журналист халққа яқин тилда ёзиши лозим. Шу билан билга гўзал ёза оладиган журналист халқнинг истезмолига гўзал сўз ва ибораларни кирита олади ҳам.

Авалги замонда ҳам энг зўр фельетонларни ёганлар Саид Аҳмад, Незъмат Аминов, Иброҳим Раҳим, Худойберди

Давоми 7-саҳифада >>>



Сайлов кампаниясини ёритиш бўйича 300 нафарга яқин маҳаллий ва чет эл журналисти аккредитациядан ўтказилди.

◀ Бошланиши 6-саҳифада

Тўхтаб юбориб каби ёзувчилар, шоирлар бўлганли. Яъни мақола ёзган бу инсонлар романлар ёзган ва ёза олган инсонлар эдилар ва сўзни уйнатиб юборардилар. Мен ҳақиқий журналист — дoston ва роман ҳам ёза оладиган даражада сўз санъаткори бўлишини орзу қиламан.

— **Ўзбек матбуоти халқимизга қай даражада хизмат қилмоқда?**

— Матбуотнинг халққа энг зарур ва улут хизмати ростини ёзишидир. Матбуотнинг энг зарарли ва халққа оғат келтирадиган иши — маддоҳликдир. Чунки мақтов самарасиз нарсалар, лаганбардорлик шахсга сифинишга, аста-секин жамиятни эзаётган муаммоларнинг ҳаспўшланишига, «ютуқларни кўролмаётганлар»ни излашга ва қатагонларга олиб борадиган йўлдир. Ҳаққоний танқид эса жамият ва иқтисоддаги камчиликларни кўрсатадиган, муҳокама қиладиган, ечимларини топадиган ва фаровонликка олиб борадиган йўлдир. Демократик давлатларнинг фаровонлиги асосида сўз эркинлиги ётади. Шу маънода ўзбек матбуоти катта бир йўлнинг бошида турибди.

— **Нима учундир ҳоким ва бошқа шу каби амалдорнинг гоҳо ноўрин гаплари-ю қилган зўравонликларига газеталар эътиборни кам қаратади?**

— Бу жуда катта муаммо. Бизда «ҳоким»лар сўзининг ўзи ноўрин қўлланган ҳукм бўлиб қўйилган. Чунки унинг негизи «ҳукм» сўзидан келади ва «ҳукмдор» деганидир, ҳукм эгаси эса подшоҳдир. Биздаги ҳокимларни вилоят ёки туман «маъмурияти бошлиғи» дейилса, етарлидир. Қонуни парламент чиқаради, унга риоя қилинмаса, суд ҳокимияти ҳукм чиқаради. Бизнинг ҳокимлар бор-йўғи ижро этувчи ҳокимиятнинг ўрта ва қуйи бўғини, холос. Аммо ўзларига мақбул келмаган одамни «олиб бор, қамоққа тикиб қўй» деб юбормоқдалар ва гоҳида ҳуқуқ-тартибот идоралари қонунга эмас, уларнинг буйруғига бўйсуняпти ҳам. Энди прокурор ёки суд кўрққан ҳокимдан журналист ҳам кўрққали-да... Бунга чек қўйиш керак. Адолат қарор топаганига жамият ҳам, иқтисодиёт ҳам, юрт ҳам ривожланади, шу қаторда журналистика ҳам ўз вазифасини бажара олади. Матбуотнинг ишласи мамлакатда демократиянинг қарор топиши билан жуда боғлиқ, ахир.

— **Матбуотнинг оёққа туриши ва яшаб қолиши учун қандай тақлиф ва тавсиялар бериш мумкин?**

— **Биринчидан,** ОАВ соҳасидаги қонунчилик жиддий такомиллаштири зарур.

Иккинчидан, тузум демократиклашуви, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятга халқнинг ҳақиқий вакиллари ҳалол сайловда сайланиши, халқ иродасини ифода этадиган қонулар чиқариши ва ижросини синчков назорат қилиши лозим. Суд ҳокимияти мустақил ва ҳалол бўлиши керак. Ижро ҳокимияти қонун асосида бошқариши шарт. Фуқаролик жамияти, яъни нодавлат ва ноҳуқумат ташкилотлар реал жамоат назоратига эга бўлиши керак. Оқил судлов, фуқаролик жамияти ва қонун устуворлигисиз журналистлар ҳеч нарса қилормайди.

Учинчидан, сўз эркинлигига юқори сиёсий тараф қилинса, қамалса ва қўрққатилса, матбуот оёққа турмайди ва мутелигича қолади.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Жяхонгир МАРДОНОВ суҳбатлашди.

Бу юртда барча халқлар эъзоз ва эҳтиромда

Юртимизда бойликлар кўп, лекин энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, шу билан бирга дўстлик ва ҳамжихатликдир. 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган ҳамда 16 диний конфессияга мансуб ташкилотлар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон асрлар мобайнида турли маданиятлар, анъана ва диний эътиқодлар учрашган табаррук замин бўлиб келган. Эндиликда бу миллий ва диний бағрикенглик ўзбек менталитетининг ажралмас қисмига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Маданият марказларининг ташкил этилгани ҳам эътирофга лойиқ. Турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган шаҳар ва туманларда «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан барчамизники» шиори остида дўстлик фестиваллари, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар — деярли барча ҳудудларда ташкил этилмоқда. Зеро, этник қадриятларни сақлаб қолиш, ривожлантириш, тарғиб қилиш, миллатлараро тотувликни мустақамлаш сиёсатимиз ўзига ташкил қилади.

Дунёдаги кўпгина халқлар қатори қозоқ миллати ҳам ўзининг тарихи, улкан маданий меросига эга. Мамлакатимизда яшаб келаётган қардошларимизнинг миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида мунтазам амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон Республикалари раҳбарлари ҳамкорлигида имзоланган давлатлараро муҳим ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, техникавий, маданий-маърифий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2018 йилда Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон йили катта шодиёна билан нишонланди. Унинг доирасидаги ижодий лойиҳалар, мулоқот ва учрашувлар, балиий кўргазмалар, адабиёт аҳлининг ўзаро учрашувлари қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари азалий эканини яна бир қарра намойиш этди. Жорий йилда эса мамлакатимизда Қозоғистон йили кўтаринки руҳ билан ўтказилмоқда. Олис ўтмиш, археология, театр, кино санъатига оид тадбирлар, премьералар, қизқарли экспозициялар ўзбекистонлик мухлисларга завқ ва катта таассурот бағишламоқда.

Бу жиҳатлар Абай Қўнонбоев таваллуди муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 март куни



қабул қилинган «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўргатиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарорини халқимизнинг қардош Қозоғистон элига, унинг бетакрор адабиёти ва маданиятига, ёруғ келажакига бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин.

ЮНЕСКО томонидан дунёда тинчлик, динлар ва конфессиялараро мулоқотни ўргатиш, миллатлар ва элатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб, ҳозирда бағрикенгликка оид 70 дан зиёд халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Уларнинг ёрқин намунаси 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКО

«**Ўзбек халқи бағрикенг, меҳмондўст, саҳий халқ. Шунинг учун корейслар Узоқ Шарққа кўчиб кетишга рухсат бўлганда, кўчиб кетишмади. 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши пайтида Ўзбекистон 200 минг бола-ни қабул қилди, тарбиялади, бошини силади. Бунга бутун дунё тан бергани ҳеч кимга сир эмас.**

Бош конференциясининг 28-сессиясида эълон қилинган «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»дир. Ҳозирда ушбу кун бутун дунёда «Халқаро бағрикенглик куни» сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан айни кунларда юртимизда турли тадбирлар, балиий кечалар, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида гала-концертлар, «Марказий Осиё — умумий уйимиз» мавзусида халқаро конференциялар ўтказилмоқда.

Ўйлайманки, Президентимизнинг Республика байналмилал маданий

маркази 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги, ундаги бағрикенглик, халқлар дўстлиги, Ўзбекистонда ҳукмрон бўлган тинч ва тотув ҳаёт тўғрисидаги сўзлари шу юртда истиқомат қилувчи ҳар бир кишининг ҳали-ҳали эсида турибди.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев илк бор давлат раҳбари сифатида Ўзбекистонга ташриф буюрганда бирга Тулабий бува мақбарасини зиёрат қилган эдик. У кишига қозоқларнинг ўзбеклар ва бошқа халқлар вакиллари билан тинч-тотув, осойишта ҳаёт кечириётгани хусусида батафсил сўзлаб берган эдик. Меҳмон ўз кўзи билан ҳудудларимиздаги

бошқа халқларга кўрсатиладиган гамхўрликни кўриб, бундан миннатдорлиги, ўрганилган тажрибалардан ўз юртида ҳам фойдаланмоқчи эканини билдирган эди. Айни пайтда пойтахтимиздаги Ҳазрат Тулабий бува мақбарасини барча мусулмонлар қатори қозоқлар, ўзбеклар ҳам бирдек зиёрат қилишади.

Шуни қайд этиш керакки, халқлар ўртасидаги дўстлик, алоҳида одамлар ўртасидаги дўстликни вужудга келтиради ва аксинча, алоҳида одамлар ўртасидаги дўстлик халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстликни, алоқаларни мустақамлайди. Шуларни ўйлар эканман, мамлакатимизда ҳукмронлик қиладиган бағрикенглик, Ўзбекистонни ўз Ватани деб яшаётган турли миллат вакиллари — дўстларим ҳақида ўз ўйларим билан ўртоқлашим келди.

Ўзбек халқи бағрикенг, меҳмондўст, саҳий халқ. Шунинг учун корейслар Узоқ Шарққа кўчиб кетишга рухсат бўлганда, кўчиб кетишмади. 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши пайтида Ўзбекистон 200 минг бола-ни қабул қилди, тарбиялади, бошини силади. Бунга бутун дунё тан бергани ҳеч кимга сир эмас.

Яқинда Тошкентда Халқаро китоб ярмаркаси ўтказилди. Унда Қозоғистон нашриётлари чоп этган китоблар йиғилганларда катта қизиқчи уйғотди. Шу билан бирга Қозоқ миллий маданият маркази 30 йиллиги катта тантана билан ўтди. Унда Марказ раҳбари бўлган, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари дўстлик алоқаларини мустақамлашга катта ҳисса қўшган марҳум Ортикаев Укубоев номи катта ҳурмат билан тилга олинди.

Бир дўстлик, бир қардошлик бўлса, шунча бўлади. Бу юртда нафақат қозоқлар, балки ҳар бир миллат вакили ана шундай эъзоз ва эҳтиромда. Муҳим, мана шундай оқибатга кўз тегмасин!


Турсурам ХОЛБОЕВ,
Қозоқ миллий маданият маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раиси



Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Нукус филиали қошида Ветеринария техникуми ташкил этилди.

«Уйдан кўра, кўча яхши...»

Ишдан кеч қайтаётиб, ҳафтада бир тўхтаб ўтадиган жойим — уриниб қийшайиб қолган стол устида майда-чуйда нарсалар сотадиган болакайни кўриб, машина тор-мозини босдим. Соатга қарадим: 00:42. Болани чақирдим. 5 ёки 6-синфда ўқиса керак деб ўйлардим. 2-синф экан.



Бу болани кўп кўраман. Сигарет олдим. Одатдаги нархдан минг сўм кўп айтди.

— Нега қиммат, доллар ошганиганими?— сўрадим кулгандай бўлиб.

— Э, амаки, доллар нималигини билмайман, лекин сотадиган нарсаларимиз қимматлашди.

У бу гапни шундай оҳангда айтдики, саволим ўзимга майда, жуда-жуда майда туюлди.

Нега ярим кеч бўлсаям уйга кетмаётганини, ота-онаси нима иш қилишини сўрадим.

— Ҳов, ана ойим, — деди у сал нарироқда тескари қараб ўтирган жувонни кўрсатиб. — Мендан ташқари, яна иккита укам бор. Бизни боқиш учун онам кун бўйи мардикорлик қилади, кечқурун эса мен нарса сотаман, у менга қарайди. Отам эса ҳар куни ичади. Онамин уради. Уйга боргандан кўра, шу ер, шу кўча яхши.

Мен иккинчи синф боласининг ҳали мурғак бўлишига қарамасдан, эрта юкланган масъулият боис улгайиб қолганини англаб етдим. Ва яна бир нарсага амин бўлдимки, кўп кузатганмиз: амал

боис димоғидан қурт ёғилладиган айрим одамларнинг фарзандлари ҳар доим ҳам рисоладагидек камол топмайди. Ақсинча, қўйинчиликда ўсганлар асл фарзанд бўлади.

Хуллас, ўша кунни қаршимда саботсиз отасининг қилиқларидан уялиб улгаётган БОЛА, одамларнинг иш билан таъминланаётгани борасидаги айрим сохта ва ёлғон кўрсаткичларни синдириб ташлаган ҲАҚИҚАТ турарди.

М.ЎРОҚОВ

 2019 йил 15 ноябрь
 № 44 (679)

Б-ҲАВО

15 ноябрь	+17°C	+1°C
16 ноябрь	+15°C	+0°C
17 ноябрь	+16°C	+1°C
18 ноябрь	+16°C	+1°C
19 ноябрь	+15°C	+3°C
20 ноябрь	+8°C	-1°C
21 ноябрь	+3°C	-6°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ
Муассислар:

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
 Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
 Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
 «Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
 Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
 Ўзбекистон экологик ҳаракати.
 Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
 «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бosh муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир ҳайъати:
 Рустам Комилов
 Рустам Қосимов
 Борий Алихонов
 Акмал Саидов
 Шавкат Жавлонов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
 «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
 Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
 Буюртма рақами Г-1114 Адади: 1403.

Жума кунни чиқади.
 Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722
Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

 Маълумот учун телефонлар:
 (71) 233-72-77,
 233-91-55

 Реклама ва эълонлар учун:
 Электрон почта: jamiyat@uimail.uz

 Газета индекси — 131
 «ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

 ЎЗА Якуни:
 Топширилган вақти: 21:35
 1 2 3 4 5

Ҳосил кушандаси



Юртимизда қишлоқ хўжалик-ги махсулотларини етиштириш, томорқачилиқдан мўмай даромад олиш борасида ўзига хос мактаб яратилган. Юртдошларимиз хонадонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар рўзгордан ортиб, ички ва ташқи бозорларга ҳам етказиб берилаётир. Натижада, фуқароларнинг турмуш шароити янада юксалиб, даромади ортиб бормоқда. Бу жараёнда ўсимликларни турли зарарли ҳашаротлардан асраш муҳим.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида карантин организми ҳисобланган колорадо кўнғизи, цитрус инли куяси ва цитрус оқ қаноти каби зараркунандалар учрайди. Мазкур зараркунандалар помидор, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг турли

организмларини зарарлайди. Натижада ҳосилнинг 40-50 фоиз ва ундан катта қисми нобуд бўлишига олиб келади.

Карантин остидаги асосий зараркунандалардан бири колорадо кўнғизидир. У республикамизнинг 96 туманидаги экин майдонларида учраши аниқланган. Цитрус оқ қаноти эса Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — жами 25 туманининг 26,1 гектар майдонида тарқалган. Сабзавот зараркунандалари орасида цитрус инли куяси ҳам кенг тарқалган бўлиб, у республикамиздаги 33 туманининг 35,5 гектар майдонида учраши аниқланган.

Табиат инъом этган дармондориларга бой сабзавотларнинг зарарланмасдан, мўл ҳосил бериши иқтисодиётимиз ривожини учун ҳам муҳим. Шу боис деҳқон ва миришкорларимиз мазкур зараркунандалар тарқалган ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиқиб, уларга қарши экологик безарар кураш чораларини пухта ўрганишлари керак. Бундай зараркунандалар республикамизнинг фитосанитар тоза ҳудудларига тарқалиб кетмаслиги учун ўсимликлар карантини чора-тадбирларига тўлиқ риоя этиш талаб этилади.

Ш.КАЛАНОВ,
«Тошкент юк саройи»
Ўсимликлар карантин чегара маскани инспектори

BRAVO MAX KREDIT

BOSHLANGIC TO'LOV 0%
DIQQAT MAXSUS AKSIYA

Agar siz Bravo Max kredit magaziniga xaridor olib kelsangiz sizga alohida SOV'GA taqdim etiladi.

KREDIT UCHUN KERAKLI HUJJATLAR

- 1 yillik ish haqi to'g'risidagi ma'lumotnoma
- pasport nusxasi

Toshkent shahri va Toshkent viloyatida doimiy yashovchilar uchun

 +998 99 449 39 61
 +998 97 753 83 36
 +998 94 486 36 96

@bravo_kredit_max

 Toshkent shahar Qoraqamish 2/4 o'qotasi
 Majlali: Makro Super market


Эндиликда футбол соҳаси бозор механизмлари асосида бошқарилади.